

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5220100 – 4.02

2017 йил “ 2 ” 06



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2017 йил “ 28 ” 06

СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ  
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ  
Таълим соҳаси: 220000 – Журналистика ва ахборот  
Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил 2 июлдаги 3- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

О.Саъдуллаева – ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси

Л.Тураева – ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси.

#### **Такризчилар:**

Ш.Ибрагимов– ЎзМУ, “Теле ва радио” кафедраси доценти, ф.ф.н.

С.Умиров – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил 28 апрелдаги 9 - сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

“Спорт журналистикаси” фани журналистика таълим йўналиши бўйича ўтиладиган ихтисослик фанлар таркибига киради. Мамлакатда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинларини оммалаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, уни амалга оширишда спорт журналистикасимухим восита ролини бажаради.

“Спорт журналистикаси” фани 2 курс бакалаврбосқичи талабаларига ахборот алмашинуви жараёнларида жаҳон ва Ўзбекистон спорт журналистикасининг ўрни ва аҳамияти, спортга ихтисослашган ОАВ ва унда фаолият олиб борадиган спорт журналистлари маҳорати масалаларини ўргатади. Фаннинг маъруза ва семинар машғулотлари мамлакатимиз ҳамда ривожланган демократик давлатлар спорт журналистикаси тизими ва амалиёти бўйича тузилган.

“Спорт журналистикаси” фани доирасида жаҳон журналистикаси тажрибаларидан келиб чиқиб спорт журналистикаси назарияси ва улар билан боғлиқ амалий жараёнларни ўрганиш васпорт мавзусида ижод қилишнинг касбий кўникмаларини ҳосил қилиш кўзда тутилади.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фаннинг мақсади - журналистика таълими йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларни спорт журналистикаси асослари, спорт журналистикаси тарихи, ривожланиш тенденцияларива унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида назарий билим беришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – спорт журналистикаси фанининг замонавий жамиятда тутган ўрни ҳақидаги билимларни тизимлаштириш ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситалари фаолияти, уларнинг жисмоний тарбия васпортни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**

- ОАВда спорт мавзусини ёритиш усулларидан фойдаланиш, спорт мавзусида материал тайёрлаш учун ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш, спортга оид факт ва маълумотларни **билиши ва улардан фойдалана олиши;** амалий кўникмаларга эга бўлиш;

- спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматлари фаолият олиб бориш ҳамда мазкур соҳада ахборот узатиш билан боғлиқ **амалий кўникмаларига эга бўлиши керак.**

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

#### **1-мавзу: Спорт ва спорт журналистикасининг жамият тараққиётидаги ўрни.**

ОАВнинг оммани жисмоний тарбия ва спортга қизиқишини кучайтириш, спорт ёрдамида кишилар вақтини тўғри ва соғлом ташкиллаштириш ва шу орқали соғлом авлод, соғлом миллат тарбиялашдаги ўрни. Спортнинг мамлакат нуфузини халқаро майдонда оширишдаги роли ва унинг кишиларда шахсий ва миллий ғурур шакллантиришдаги таъсири.

#### **2-мавзу: Ўзбекистон Республикасида спорт журналистикасининг юзага келишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий илдизлари ва ҳуқуқий асослари мазмуни.**

Спорт журналистикасининг юзага келишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий омиллари. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрир) (2015 йил, 5 сентябрь), “Ўзбекистон Республикасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ЎзР ВМ қарори (31.10.2002), юртимизда спортни ривожлантириш борасида қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасида ОАВ фаолиятига дахлдорқабул қилинган қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг спорт нашрларини ривожлантиришда тутган ўрни.

#### **3-мавзу: Замонавий ОАВ тизимида спортга йўналтирилган ахборот узатиш воситасининг таснифи**

Спортга йўналтирилган матбуот органлари типологик белгилари тўғрисида умумий маълумот. Нашр типологиясини шакллантирувчи асосий омиллар мазмуни. Замонавий матбуот тизимида спортга йўналтирилган босма ОАВнинг таснифи: спорт йўналишидаги республика нашрлари, спорт ахборотини тарқатиш каналлари, мавзуга доир пресс-клиппинг.

#### **4-мавзу: Матбуотда спортнинг ёритилиши хусусиятлари**

Матбуотнинг типологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда спорт мавзусини ёритилишининг ўзига хосликлари, ютуқ ва қачиликлари. Матбуотда спорт нашрлари фаолияти. Матбуотда фаолият кўрсатувчи журналист маҳорати ва унга қўйиладиган талаблар. Матбуотда фаолият кўрсатувчи машҳур спорт журналистларининг тажрибаси. Газета ва журналларда жисмоний тарбия ва спортга оид мавзуларда жанрлар масаласи.

#### **5-мавзу: Телевидениеда спортнинг ёритилиши хусусиятлари**

Телевидениеда жисмоний тарбия ва спорт мавзусини ёритилишининг ўзига хосликлари, ютуқ ва қачиликлари. Телевидениеда фаолият кўрсатувчи

журналист маҳорати ва унга қўйиладиган талаблар. Телевидениеда фаолият кўрсатувчи машхур спорт журналистларининг тажрибаси. Телевидениеда жисмоний тарбия ва спортга оид мавзуларда жанрлар масаласи

#### **6-мавзу: Радиода спортнинг ёритилиши хусусиятлари**

Радиода жисмоний тарбия ва спорт мавзусини ёритилишининг ўзига хосликлари, ютуқ ва қилиқлари. Радиода фаолият кўрсатувчи журналист маҳорати ва унга қўйиладиган замонавий талаблар. Радиода жисмоний тарбия ва спортга оид мавзуларда жанрлар масаласи.

#### **7-мавзу: Интернетда спортнинг ёритилиши хусусиятлари**

Интернетда спорт мавзусини ёритилишининг ўзига хосликлари, ютуқ ва қилиқлари. Веб-ахборот каналида фаолият кўрсатувчи журналист маҳорати ва унга қўйиладиган талаблар. Е-спорт жанрларининг бошқа оммавий ахборот воситаларидаги жанрлардан фарқи, ўхшашликлари, ютуқ ва қилиқлари.

#### **8-мавзу: Спорт журналистикаси жанрлари**

Спорт йўналишида янгилик тайёрлаш. Инфотейм ва финишининг ўзига хослиги. Спортда интервьюнинг ўрни. Репортажни шакллантириш усуллари. Спорт шарҳи турлари. Спорт йўналишидаги муаммоли ва таҳлилий мақола. Спорт очерки. Машхур спорт журналистларининг спортга оид материаллари мисолида жанрлар таҳлили.

#### **9-мавзу: Спорт федерацияларининг матбуот хизмати ва спорт мусобақаларида ахборот ва матбуот хизматлари фаолиятининг ўзига хосликлари**

Миллий ва халқаро матбуот хизматлари фаолияти. Спорт федерациялари матбуот хизматининг вазифалари. Матбуот хизматларининг спорт мусобақаларини ташкил этиш ва олиб боришдаги асосий йўналишлари. Журналистлар аккредитацияси. Спорт журналисти учун медиа-кит, пресс-релиз тайёрлаш. Спорт журналистларни аккредитациядан ўтказиш турлари (ОАВ ҳузурида ва алоҳида спорт мусобақаларида). Спорт пресс-конференцияларини ташкиллаштириш ва олиб бориш маҳорати.

#### **IV. Семинар машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулоти учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Спорт ва спорт журналистикасининг жамият тараққиётидаги ўрни.
2. Ўзбекистон Республикасида спорт журналистикасининг юзага келишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий илдизлари ва ҳуқуқий асослари мазмуни.

3. Замонавий ОАВ тизимида спортга йўналтирилган ахборот узатиш воситасининг таснифи
4. Спорт журналистикаси жанрлари.
5. Матбуотда спортнинг ёритилиши хусусиятлари.
6. Телевидениеда спортнинг ёритилиши хусусиятлари.
7. Радиода спортнинг ёритилиши хусусиятлари.
8. Интернетда спортнинг ёритилиши хусусиятлари.
9. Спорт журналисти фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари
10. Спорт йўналишида янгилик тайёрлаш. Инфотейм ўзига хослиги.

Семинар машғулоти мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

## **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Спорт журналистикасининг юзага келишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий илдизлари
2. Ўзбекистон Республикасида спорт ва спорт журналистикасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари мазмуни.
3. Замонавий ОАВ тизимида спортга йўналтирилган ахборот узатиш воситасининг таснифи.
4. Ўзбекистондаги спорт нашрлари тизимида бозор иқтисодиёти ислохотларининг таъсири орқали юзага келувчи янги типологик тасниф.
5. Матбуотда спортнинг ёритилиши хусусиятлари
6. Радиода спортнинг ёритилиши хусусиятлари
7. Телевидениеда спортнинг ёритилиши хусусиятлари
8. Интернетда спортнинг ёритилиши хусусиятлари
9. Спортда интервьюнинг ўрни.
10. Спорт репортажини шакллантириш усуллари.
11. Спорт йўналишидаги муаммоли ва таҳлилий мақола.
12. Спорт очерки
13. Спорт журналистикасида шарҳнинг ўрни.
14. Социал тармоқларда спорт журналистикаси
15. Спорт журналистикаси психологияси
16. ОАВда ихтисос спортнинг ёритилиши
17. Ўзбек миллий курашининг ОАВда ёритилиши
18. Хорижий ва миллий ОАВда футболнинг ёритилиши: қиёсий таҳлил
19. Спорт федерацияларининг матбуот хизмати ва спорт мусобақаларида ахборот ва матбуот хизматларининг фаолиятининг ўзига хосликлари.
20. Спорт журналистларининг фуқаролик масъулияти ва журналист этикаси
21. Спорт иқтисодиёти ва ОАВ: ўзаро фаолият ва ҳамкорлик
22. Спорт менежменти ва ОАВ

23. Аёлларни спортга жалб этишда спорт журналистикасидаги гендер тенгликнинг роли.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. M. Pedersen, An Examination of the Theoretical, Practical and Occupational Aspects of Sport Communication in Korea , 2013.
2. Алексеев К.А. Ильченко С.Н. Спортивная журналистика. Учебник для магистров. – Москва., Изд-во. “Юрайт”. 2016.
3. Современная периодическая печать Узбекистана: система, тематика, тенденции и проблемы функционирования. – Т.: НОФУз, 2006.
4. Introduction to Journalism Student Activities Book, by Dianne Smith, MJE, 2010.

### **Қўшимча адабиётлар**

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
9. Корконосенко С.Г. Основы журналистики - СПб.: СПбГУ, 2002.
10. Ким, М.Н. Технология подготовки журналистского произведения / М.Н. Ким. – СПб. : Изд-во В.А.Михайлова, 2001.
11. Мельник, Г.С. Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста – СПб., 2004.

### **Интернет сайтлари**

12. [www.uff.uz](http://www.uff.uz) – Ўзбекистон футбол фанатлари сайти.
13. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.х
14. [sports.uz](http://sports.uz) – Спорт турларини ёритишга ихтисослашган сайт.
15. [championat.asia](http://championat.asia) – Футболга ихтисослашган сайт.
16. [sports.ru](http://sports.ru) – Спорт турларига ихтисослашган сайт.

